



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ANTIDOPING AGENTLIGI

B U Y R U Q

№ 46

2024 yil «14» 10

Toshkent sh.

“Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги хузуридаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини қайта ташкил этиш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 16-июндан “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон ҳамда 2024-йил 26-августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сон Фармонлари, шунингдек, 2018-йил 4-июлдаги “Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 16-июндан “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон ҳамда 2024-йил 26-августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сон Фармонлари, шунингдек, 2018-йил 4-июлдаги “Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар: Миллий антидопинг агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши Низоми 1-иловага;

Миллий антидопинг агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг таркиби 2-иловага;

Миллий антидопинг агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг иш режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилансинки, Матбуот котиби (Х.Омонов) Миллий антидопинг

агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши (бундан бўён Жамоатчик кенгаши деб юритилади)нинг котиби ҳисобланади, унинг фаолиятини ташкилий-услубий ва ахборот жиҳатдан таъминлайди.

4. Матбуот котиби (Х.Омонов)га:

а)бир хафта муддатда Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг янгиланган рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасига келишиш учун киритиш;

б) Жамоатчилик кенгаши иш режасида белгиланган чора –тадбирларни Жамоатчилик кенгаши Низомига мувофиқ амалга оширилишини ўрганиб бориш ҳамда доимий назорат юритиш;

д) “Юксалиш” харакатининг сўровига асосан Жамоатчилик кенгаши фаолиятига доир маълумотларни тақдим этиб бориш;

э) “Юксалиш” харакатининг Жамоатчилик кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларини Миллий антидопинг агентлигининг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича бош мутахассис (Г.Мирсалимова) мазкур буйруқ билан агентликнинг бўлимларни таништирисин.

6. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги директорининг 2024-йил 21-августдаги “Миллий антидопинг агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 01/870-А/Ф-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Директор

А.Садиков